

---

## ИФТИХОР

### Ифтихор

Сўҳ замини азал-азалдан иқтидорли ва истеъдодли фарзандлари билан ғурурланган юрт. Кувонарлиси, бундай истеъдод эгалари бугун ҳам Сўҳ довруғини оламга достон қилишаётир.

Бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот Университети катта мажлислар залида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда "Таълим соҳасини ривожлантиришда замонавий ёндашувлар ва унга қаратилган ечимлар" халқаро илмий-амалий конференция доирасидаги халқаро "Таълим соҳасидаги хизматлари учун" илмий-амалий кўрик танловига хужжат топширган бир гуруҳ ёшлар муносиб тақдирландилар.

"Таълим соҳасидаги хизматлари учун" халқаро танловида иштирок этган Сўхлик иқтидорли ёшларимиздан бири Зафаржон Джалоловнинг борлиги бизни ғоятда қувонтирди. Танлов иштирокчилари ва ғолиблариiga Республикализнинг Scientific Academy маркази томонидан эсдалик нишон ва унинг белгиси, гувоҳнома ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Барча Сўхлик ёшлар ва туман аҳолиси номидан туманнинг ёш маърифатпарвар, истеъдодли фарзанди Зафаржон Жалоловни ушбу муваффақият билан самимий муборакбод этамиз. Бардавом бўлсин!

Сўҳ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-03-04 16:01:29